

Судланувчи жиноятни ўта хавфли рецидивист деб топилгунга қадар содир этганига қонуний баҳо берилмагани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 8 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2005 йил 7 январдаги ҳукмига кўра А. Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ЖК 34-моддаси 3-қисмининг «а» бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А. 2004 йил 20 ноябрь куни ўзи истиқомат қилиб келган Тўрткўл шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 171-уйда Х.га бир қоғоз ўрамига қадоқланган кўп миқдордаги, яъни 0,1 грамм «героин» гиёҳвандлик воситасини 5.000 сўмга қонунга хилоф равишда сотган.

А.га тегишли уйнинг яшаш хоналари кўздан кечирилганида бир қоғоз бўлагига ўралган, соф вазни 0,1 грамм бўлган кўп миқдордаги «героин» гиёҳвандлик воситаси топилиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд А. томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган.

2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг 8-банди «а» кичик бандида мазкур Фармон ўта хавфли рецидивистларга татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилган.

Суд А.га нисбатан 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг ушбу бандини татбиқ этмаслиги ҳақидаги хулосага келганида, унинг ўта хавфли рецидивист деб топилганини асос қилиб олган. Бироқ суд А.нинг жиноятни ўта хавфли рецидивист деб топилгунга қадар содир этганини инобатга олмаган.

Қонун мазмунига кўра амнистия акти қўлланилишини истисно этувчи муайян шартлар белгиланган ҳолларда амнистия актини, агар унда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, бундай шартлар (масалан, жазо ўташ тартибини муттасил бузиш, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш) амнистия акти кучга киргунга қадар юзага келгандагина қўлламаслик мумкин.

2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг 7-бандида жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатининг ўталмаган қисми тегишли тартибда қисқартирилиши белгиланган.

А. жиноятни ўта хавфли рецидивист деб топилгунга қадар содир этганлиги сабабли унга нисбатан 2004 йил 1 декабрдаги амнистия акти 7-бандининг «а» кичик банди татбиқ этилиши ва жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилиши лозим.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2010 йил 21 январдаги ажрими билан А.га нисбатан чиқарилган Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2005 йил 7 январдаги ҳукми ва шу суд апелляция инстанциясининг 2005 йил 8 февралдаги ажрими ўзгартирилиб, А.га нисбатан 2004 йил 1 декабрдаги амнистия акти 7-бандининг «а» кичик банди татбиқ этилиб, тайинланган жазонинг ўталмаган қисми учдан бирига қисқартирилди.

Назорат иши ЖСХ-11-10